
Хурматли ishbilarmon va tadbirkorlar!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 672-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2017 йил 29 сентябр кунги “Вилоят ҳокимлиги ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциясини ташкил этиш тўғрисида”ги 495-сонли қарорларига асосан, Фарғона шаҳридаги “Фарғона Механика заводи” МЧЖ ҳудудидаги ер майдонида (17.92 га) кичик саноат зонаси ташкил этилган. Мазкур саноат зонаси ҳудудига рақобатбардош, импоррт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар жойлаштирилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда тadbirkorлик субъектлар томонидан таклиф қилинаётган лойихалар кўриб чиқилиши бошланган.

Шу муносабат билан, ўз таклиф-лойихаларингизни шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилишингиз сўралади.

Мурожаат учун телефон: 243-91-52

2017-12-14 18:07:04